

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1931-ҳадис

1931/5787 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا أَسْفَلَ مِنْ
الْكَعْبَيْنِ مِنَ الْإِزَارِ فَفِي النَّارِ».

1931.5787. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Изорнинг икки тўпикдан пастга тушгани дўзахдадир», дедилар».

Изоҳ: Уламолар бу ва шу каби бошқа ҳадисларни ўрганиб, хулоса қилиб айтишганки, агар кийимни тўпикдан пастгача тушириб кийишда кишида кибр ва кеккайиш бўлса, у мазкур ваъидга дучор бўлади. Аммо қалбида бундай хаёл бўлмаса, у бундан мустасно. Бу маънони юқорида ўтган ҳадис ҳам қувватлайди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI